

Фаргона вилоят прокурорига

адвокат Дилафруз Нурматовадан -
Фаргона шаҳар А.Навоий кучаси
13-уй 431-хона

ИЛТИМОСНОМА

Фаргона вилоят прокуратураси томонидан химоямдаги Тожибоева Муътабар Ибрагимовна 08.10.2005 йил куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми «Б» бандида курсатилган жиноятни содир этганликда гумонланувчи тарикасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиниб, ЖКнинг 221-моддаси тартибида ушланган.

М.Тожибоева очикда қолдирилган тақдирда терговдан қочиб яшириниши, далилларни яшириши ва йук қилиб юбориши мумкинлиги, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йул қуймаслик мақсадида уни эҳтиёт чораси сифатида 10.10.2005 йил куни қамоққа олиш ҳақида қарор чиқарилиб, вилоят прокурорининг 1-уринбосари О.Аҳмаджонов томонидан рұхсат берилган.

Хозирда М.Тожибоева жиноят ишига УР ЖКнинг 165-моддаси 2-қисми «б» банди ва 168-моддаси 2-қисми «А» банди билан айбланувчи тарикасида жалб қилинган ва Фаргона вилоят прокуратураси Тергов бўлимининг тергов гуруҳи томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мен қуйидагиларга қура М.Тожибоевага нисбатан бундан бўён қамок эҳтиёт чорасини қуллашни мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайман:

1. Химоямдаги Муътабар Тожибоева Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб, унинг Ўзбекистонда доимий, муқим яшаш жойи мавжуд, у хибсга олингунга қадар Марғилон шаҳар Зухро кучаси 31-уй 31-хонада доимий равишда яшаб келган.

2. Муътабар Тожибоеванинг терговдан қочиб яшириниши учун асос ҳам, шароит ҳам йук, чунки уни банк муассасаларида маблағи ёқи чет элда уй-жойи, қариндошлари йук.

3. Муътабар Тожибоева аёл қиши, бир нафар фарзанди бор.

4. Муътабар Тожибоева муқаддам судланмаган, жиноят содир этмаган

5. М.Тожибоева далилларни йук қилиши мумкин эмас, чунки уни уйда мавжуд бўлган барча далиллар, яъни ҳужжатлари, компьютер техникаси, телефон аппаратлари, видео, аудио ёзувлар прокуратура ходимлари томонидан 07.10.2005 йил куни тулиғича олиб кетилган ва хозирда вилоят прокуратурасида сақланмоқда. Шу сабабли М.Тожибоева ушбу далилларни олиш ва йук қилиш имкониятига мутлақо эга эмас. Бундан ташқари М.Тожибоева дастлабки тергов давомида 24 варақдан иборат ҳужжатларни далил сифатида ишга қушиш ва ҳақиқатни аниқлаш учун терговга тақдим қилган.

6. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишлар содир этмайди, аксинча ҳақиқатни аниқланишида тергов органига уз хоҳиши билан ёрдам беради, чунки ҳақиқатни аниқланиши бевосита унинг узи учун зарур ва ута муқим.

7. М.Тожибоева Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш халқаро жамятининг расман аъзоси бўлиб, 2000 йилдан бўён фуқароларнинг бўзилган ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишда, жамятимизда қонун устиворлиги амалга оширилишида узининг сезиларли хиссасини қушиб келган.

Юкоридаги асосларга ва ЖПКнинг 53, 240-моддасига кура Тожибоева Муътабар Ибрагимовнага нисбатан кулланган камок эҳтиёт чорасини муносиб хулк атворда булиш хакидаги тилхат эҳтиёт чорасига узгартиришингизни илтимос киламан.

Муътабар Тожибоевнинг химоячиси,
 Фаргона шаҳар «21-асрда мулкдор
 Химоячиси» адвокатлик фирмаси адвокати:

D. Nurmatova

Д.Нурматова

O'ZBEKISTON POCHTA

Pochta jo'natmasini topshirganlik bildirish qog'ozi oddiy, buyurtm, telegrafli, shoshilinch telegr (keragining tagiga chizing)

Qayerga Фаргона шаҳар А.Навои
кўчаи -14/9

Kimga Нурматова Дилрабова

Yuborayotgan joy aloqa korxonasi indeksi

“O'zbekiston pochta” ochiq aksiyadorlik jamiyati

3-sh.

Buyurtmali 145 sonli **KVITANSIYA**

(maxsus belgisi) banderollar qabul qilindi.

Qayerga Фар. бу

Kimga Нурматова (imzo)

№ 145 (pochta kvit.)

dan 30 so'm narxli 30 so'm tiyin ustama narxli manzilgohga nomiga 30.10.05 da yuborilgan (yil, oy, kun)

Shaxsan 2005 y. “01” набр da Али topshiri ishloqch qog'ozi bilan (kim) Aloqa korxonasi (sexi, uchastkasi) rahbarining imzosi

(imzo qo'yish joyi)

qog'ozini olgan kun kal. muh.)

Bildirish qog'ozini yuborgan ki

Султанов

Qabul qilish joyi (tag'vini muhori)

00 10 05

O'zbekiston Respublikasining "Istemotchilar huquqlarini himoya qilish to'g'risida" gi Qonunga muvofiq aloqa korxonalari qabul qilingan jo'natmalar uchun ular qabul qilingan kundan boshlab 12 oy davomida javob beradilar